

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

«Фермер хўжалигини бошқариш» факультети

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: “МУҚОБИЛ МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИДА
ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ”**

Бажарди:

**IV - босқич 37 гуруҳ талабаси
Темиров А.А.**

Илмий раҳбар:

Фармонов Т.Х.

Тақризчи:

Битирув малакавий иши кафедраси
муҳокама қилинди ва ҳимояга
тавсия этилди.

Кафедра мудири,
_____ проф. Фармонов Т.Х.

«___» _____ 2010 йил

Фермер хўжалигини бошқариш
факультети декани, доцент

_____ Абдувосиқов А.А.
«___» _____ 2010 йил

ТОШКЕНТ – 2010

Мундарижа.

Кириш.

I.Боб. Кишлоқ хужалигида механизация хизмати курсатиш тизимини ривожлантиришнинг назарий асослари.

1.1.Кишлоқ хужалигида механизация хизмати курсатиш тизимини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва ахамияти.

1.2.Механизация хизмати курсатиш тизими самарадорлигини белгилаш омиллари ва унинг курсаткичлари.

II.Боб. Кишлоқ хужалигида муқобил машина-трактор парклари томондан хизмат курсатишнинг ҳозирги даражаси.

2.1.Муқобил машина-трактор паркларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

2.2.Муқобил машина-трактор парклари томонидан фермер хужаликларига хизмат курсатиш даражаси.

2.3.Муқобил машина-трактор паркларининг узаро иқтисодий муносабатлари.

III.Боб. Муқобил машина трактор парклар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуллари.

3.1.Муқобил машина-трактор парклари фаолиятининг ташкилий иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.

3.2.Муқобил машина-трактор парклари ва фермер хужаликлари уртасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш.

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар.

Кириш.

Республикамизда олиб борилаётган иктисодий ислохатлар иктисодиётнинг бошка сохалари каби кишлок хужалигида ҳам мулкчилик ва хужалик юритишни янги шакиллари вужудга келтирди. Эндиликда кишлок хужалик махсулотларини фермер ва дехкон хужаликлари етиштириб бермокдалар.

Бугунги кунда кишлок хужалиги махсулотларини етиштирувчиларни техника восилари билан таъминлаш, мавжуд техника воситаларидан самрали фойдаланиш масаласига мутлако янгича ёндашишни талаб килинмокда. Бир томондан техника воситаларининг нархлари юкори булиши хисобига хар бир махсулот етиштирувчи субъект уни сотиб олиш имкониятига эга булмаса, иккинчи томондан техника воситалари бор хужаликлар ҳам уз хужалигида механизмлар билан бажарилиши мумкин булга ниш хажмининг камлиги хисобига техникадан самарали фойдалана олмайдилар. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлаб утган эди: "... машина-трактор парклари тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади. Ракобат мухитини вужудга келтириш учун хар бир тумандабир неча хужаликка хизмат курсатадиган парклар тузиш мақсадга мувофикдир. Жумладан, давлатга карашли булмаган мулк шаклит асосида ҳам шундай парктар тузиш керак". Юкоридагиларни хисобга олиб Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Кишлок хужалигига ишлаб чиқариш-техника хизматини курсатиш сохасида шартномавий муносабатларни ривожлантириш чоратadbирлари тугрисида»ги 95-сонли қарорига асосан «Узагромашсервис» уюшмаси (собик «Узқишхужтаъминоттаъмир» Давлат кооператив кумитаси) тизимида машина-трактор парклари (ДАЖ МТП) ташкил этиш масаласини кутарилган эди. 2010 йилга келиб мамлакат буйича 1757 та бу шакилдаги машина-трактор парклари фаолият курсатмокда. Аммо МТПлар ва

хужаликлар уртасидаги ташкилий, иктисодий ва ҳукукий муносабатлар тулигича ҳал этилмаганлиги сабабли бу сервис корхоналари монополь корхоналарига айланиб бормокда ҳамда агротехник тадбирларда белгиланган барча турдаги механизация билан бажариладиган ишларни амалга ошириш имкониятига эга эмаслар. Бундан ташқари механизация ишлари нархларини сурункасига ошириб боришлари натижасида хужаликлар улар хизматидан яхши фойдалана олмаётирлар.

Мукобил машина-трактор паркларини мавжуд ДАЖ МТП лар билан барча масалаларда тенг ҳуқуқлилигини таъмин эти шва ракобатлаша оладиган даражага етказиш, булар уртасидаги ким купрок, сифатлирок ва арзонрок хизмат курсатиши ва улар хизматидан фойдаланувчи кишлок хужалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хошиш-истаклари инобатга олиниши, кишлок хужалигида механизация ишлари даражасини ошириш, махсулот таннархида унинг улушини камайтириш, хосилдорликнинг ошиши ва пировард натижада кишлок хужалиги ишлаб чиқариши иктисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

I.Боб. Кишлоқ хужалигида механизация хизмати курсатиш тизмини ривожлантиришнинг назарий асослари.

1.1.Кишлоқ хужалигида механизация хизмати курсатиш тизимини ривожлантиришнинг объектив зарурлиги ва ахамияти.

Узбекистон Республикасининг умумжаҳон хужалик тизимига босқичма-босқич самарали ва мустаҳкам кириб бориши мамлакатимизда амалга оширилаётган аграр сиёсатнинг стратегияси ва тактикасини оқилона белгилашга қўйилган талабдан боғлиқдир. Мамлакат аграр соҳасидаги олиб борилаётган ислохатлар Республикаимиз Президенти И.А.Каримов асослаб берган беш тамойил асосида оғшмай ривожланмоқда.

Узбекистондаги ислохатлар ва жамиятимиз ривожланишининг асосий устивор йўналиши-мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришдан иборатдир.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш моҳиятини Президент И.А.Каримов қўйидагича ифодалайди: “Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади-биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк микёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг маъқулий ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир”.

Демак, мамлакатимизнинг етакчи соҳаси бўлган кишлоқ хужалигида ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш негизида аграр ислохатларини чуқурлаштириш қўйидаги масалаларни ҳал қилишни тақозо этади, жумладан:

- кишлоқда мулкдорлар синфини шакиллантиришда хусусий мулкчиликни устивор ривожлантириш;
- кишлоқда эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ва такомиллаштириш;
- кишлоқда тадбиркорлик тузилмаларини бошқа бозор инфратузилма (банк, молия, лизинг компаниялар ва бошқалар) билан муносабатларини мустаҳкамлаш;

- бозор механизмини янада ривожлантириш;
- бошқарув тизмини ислох қилиш яъни бошқарувнинг эски, маъмурий буйруқбозлик усулларидадан воз кечиш, замон талабига кура омилкорлик ва тадбиркорлик асосида бошқарувни амалга ошириш;

- қишлоқ хужалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси булган ердан унумли фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, уруғчилик ва чорвачиликда насилчилик ишларини тугри йулга қуйиш;

- қишлоқ хужалигини интенсивлаштириш, яъни игор тажриба, техника ва техналогияларини қишлоқ хужалигининг узига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда кенг жорий қилиш;

- қишлоқ хужалигини механизациялаштиришга жиддий эътибор бериш;

- агро севис тизимида хақиқий роқобат муҳитини шакллантириш ва х.к.

Бу масалаларни ҳал қилиш қишлоқ хужалигида ислохатларни қай тарика боришига боғлиқдир. Қишлоқ хужалигида ислохатларни муваффақиятли амалга ошириш, иқтисодиётимизни юқори даражага кутаришда муҳим омил булиб ҳисобланади, қишлоқ хужалиги иқтисодиётимизнингетакчи соҳаси булиб ҳисобланади, яъни ҳозирда қишлоқ хужалигида мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи, мамлакат валюта тушумининг 55 фоизи, товар айирбошлашнинг 70 фоизи, аҳолии истеъмоли учун зарур булган озик-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи шаклланади. Бу таҳлиллар масаланинг факат иқтисодий томонини акс эттирса, ижтимоий соҳада эса қишлоқ хужалигини урни қуйидагилар билан белгиланади, яъни республикамиз аҳолисининг қарийб 60 фоизи қишлоқларда яшайди, бундан ишга ярқли аҳоли сонининг 44 фоизи айнан шу соҳада фаолият курсатмоқда.

Қишлоқ хужалик қорхоналаридаги мавжуд техника воситаларидан фойдаланиш самарасини ошириш йуналишлари бозор муносабатлари ҳамда хужалик юритишнинг узига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилиши зарур. Бу борада юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга ҳамда олиб борилган тадқиқотлар яқунларига таянган ҳолда техника

воситаларидан самарали фойдаланишнинг кийидаги назарий асосларига амал килиш зарур булади:

- кишлок хужалигида олиб борилаётган ислохатлар натижасида, хужалик юритишнинг турли шакиллари вужудга келиб уларнинг умумий сонининг ортиши, бириктирилган ер майдонлари хажмининг кичиклашиб бориши бугуниги кишлок хужалиги учун характерли холдир. Бундай шароитда хар бир кишлок хужалик корхонаси керак булган барча турдаги техника воситаларини сотиб олиш имконичтига эга эмас ва бунга хожат хам йук. Техникадан фойдаланишда кооперациялаш ва ихтисослашган сервис хизматини ташкил килиш оркали олиб бориш керак булади;

- мавжуд машина-трактор паркларини, унуми ва куввати юкори булган техникалар билан жихозлаш эмас, балки хажми кичкина булган дехкон ва фермер хужаликлари далаларида хам ишлатилиши мумкин булган техника билан жихозланиши шарт. Кишлок хужалик махсулотларини етиштириш таннархини пасайтиришга эришиш учун биргина янги техника билан жихозланиш етарли эмас, техналогияни янги техникага мослаштирмасдан туриб юкори самарага эиришиш мумкин эмас;

- техника нархларининг юкорилиг ва биринчи пунктда келтирилган сабабларга кура, техникадан самарали ва йил давомида купрок муддатда фойдаланиш максатида уларни ижарага ва прокатга беришни кенг куламда ташкил килиш лозим;

- юкори кувватли техникалар тупрокни ортикча зичлаштиришга йул куймаслик максатида кишлок хужалик махсулотини етиштириш агротехникасига, техника дала буйлаб утишда бир неча агротехник жараёнларни бажаришига мулжалланган кишлок хужалик машиналаридан кенг куламда фойдаланишга утиш зарур;

- юкори унумли техникаларга булган талабни кондириш максатида техникани лизинга бериш ва лизинг имтиёзларин таъмин этишда давлат томонидан молиявий куллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш лозим;

- бозор иктисодиёти шароитида техника воситаларидан самарали фойдаланиш ва механизмлар билан бажариладиган ишларга булган талабни кондирш мақсадида техник сервис тизимини ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш ва хизмат нархини камайтириш мақсадида турли мулкчилик шаклиги асосланган техник сервис корхоналарини тузиш ва улар фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўлла-қўватлаш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва техник хизмат курсатиш бўйича консалтинг ва инжиниринг марказлари хизматларини ривожлантириш зарур;

- янги юқори унумли техникалар сони қўпайиб бораётганини ҳисобга олиб механизатор кадрлар тайёрлаш, уларни малақасини ошириш дастури ишлаб чиқилиши ва бу дастур давлат томонидан амалга оширилиши лозим.

1.2.Механизация хизмати курсатиш тизими самарадорлигини белгилаш омиллари ва унинг курсаткичлари.

Ислохатларни чуқурлаштиришдаги муаммоларга тўхталар эканмиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил булган техника воситаларидан фойдалиниш самарадорлигини ошириш, усимликчилик ва чорвачиликни комплекс механизациялаштиришга ва шу асосда қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқариш, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг моддий асоси бу фан ва техника ютуқларига таянган ҳолда меҳнат қуроллари ва воситаларини ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини узлуксиз такомиллаштириш, оғир қўл меҳнатини механизациялар зиммасига юклаш ва улардан самарали фойдаланишдир.

Иктисодий адабиётларда hozirgacha кишлок хужалик техникасидан фойдаланиш самарадорлиги курсаткичлари борасида ягона фикр йук. Бу муаммо ҳамон мунозарали давом этмокда. Кишлок хужалик корхоналарининг таркоклашуви ва майдалашуви шароитида кишлок хужалик техникасидан фойдаланишни агросаноат ишлаб чикариш асососий тармогининг якуний натижалари билан боглаш узига хос ёндашувни, бу масалани назарий ва амалий асосларини ишлаб чикишни такозо этади.

Шу муносабат билан кишлок хужалик техникасидан фойдаланиш усулларини тахлил килиш, бахолаш ва шу асосда техника самарадорлигини ошириш ва механизациялашган ишлар харажатларини камайтириш йулларини аниклаш мухим ахамият касб этади.

Шунинг учун техникадан фойдаланишнинг иктисодий самарадорлиги курсаткичларини аниклаш ва уларни синфлашга ката ахамият берилмокда. Мазкур муаммога М.И. Горячкин, А. П. Колотушкина, В. В. Халтурин, В.И. Платонов, Р. Р. Раджапов, Ф. К. Каюмов, М. Жалилов, О. Иминов каби йирик олимлар илмий изланишлари багишланган. Аксарият олимларнинг фикрича машиналардан фойдаланиш самараси нафакат уларни ишлатиш, техник тавсифи, балки улардан фойдаланиш канча жонли мехнатни сикиб чикариши, машиналарнинг мехнат сигимига ва уларни яратишга сарфланган мехнат билан уларни куллаш эвазига эгалланган мехнат орасидаги фарк кандайлигига богликдир.

Машиналарни ишлаб чикариш ва улардан фойдаланиш натижаларинингхар томонлама хисоб-китоби керак. Техникаларни самарадорлигини бахолашда факат шундай комплекс ёндашувгина, унинг халк хужалигидаги самарадорлигини аниклаш имконини беради.

Кишлок хужалик техникасидан фойдаланишни тахлил килишда бошка омиллар хисобига эмас, балки техникадан фойдаланишни яхшилаш эвазига кулга киртилган иктисодий самарани алохида таъкидлаш лозим. Лекин бундай методологик усулни куллаш жуда хам мураккаб, чунки куп турдаги кишлок хужалик махсулотлари ва уларнинг таннархини камайтиришга

таъсир этувчи омиллар, бир-бири билан шунчалик боғланиб кетганки, натижа нима ҳисобига эришилганлигинихам аниқлаш жуда қийин.

Бундан ташқари, бугунги кундаги ҳисоб ва ҳисобот юритиш шаклида алоҳида чорвачилик ва усимликчилик тармоқлари бўйича техникалар сони курсатилмайди. Шунинг учун бир қатор техникадан фойдаланиш самарадорлигини уртача курсаткичларидан фойдаланишга тугри келмоқда. ММТП лардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун курсаткичлар тизими сода, кенг мутахассислар оммасига тушунарли бўлиши лозим ва шу асосда механизация воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор тадбирларни белгилаш ва режалаштириш керак.

Бу тадбирларни инобатга олган ҳолда машина-трактор паркларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи техник иқтисодий курсаткичлар тизими ишлаб чиқилган.

к/х техникасидан фойдаланишнинг техник иқтисодий кўрсаткичлар тизими



Техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини куйидаги курсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин: меҳнат унумдорлиги (ц/киши*соат, Га/смена ва бошқалар); бажарилган иш ёки маҳсулот бирлиги ҳисобига эксплуатацион харажатлар миқдори; тупрокка ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириш ва бошқа иш турларининг шартли эталон ёки физик гектарининг таннари; 1Га 1ц маҳсулотга келтирилган харажатлар; машина сотиб олишда капитал куйилмаларининг тикланиш даври ва бошқалар.

Кишлоқ хужалик техникасидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни куйидаги 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1 гуруҳга: трактор ва кишлоқ хужалик машинасининг техник курсаткичлари, қуввати, ҳаракат тезлиги, камров кенглиги, ёнилги сарфи, ишлов бериш чуқурлиги ва х.к.

2 гуруҳга: табиий-иклим шароитлари, буларга: ер рельефи, дала конфигурацияси, тупрокнинг таркиби, солиштирма қаршилиги, намлиги, дала узунлиги ва бошқалар.

3 гуруҳга: ташкилий омиллар, яъни мулкчилик ва хужалик юритиш шакиллариининг хилма-хиллиги, техникадан фойдаланиш ва меҳнатни ташкил этиш шакли, техник хизмат курсатиш тизими ва шу қабилар қиради.

4 гуруҳга: иқтисодий омиллар, яъни механизаторларнинг малакаси ва тамирлаш-техник хизмат курсатиш мутахассислари билан таъминланганлик, меҳнатга ҳақ тулаш, моддий-техника таъминоти доражасида кишлоқ хужалик техникасининг нархи ва борқалар қиради.

Бу турт гуруҳ омиллари бир-бири билан узвий боғлиқдир ва бир-бирига бевосита таъсир курсатади, ҳамда теникадан самарали фойдаланишни ташкил этишда ушбу турт гуруҳ омиллари муҳим аҳамият касб этади.

II.боб. Кишлоқ хужалигида мукобил машина-трактор парклари томонидан хизмат курсатишнинг ҳозирги дарижаси.

2.1.Мукобил машина-трактор паркларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари.

Республика кишлоқ хужалигида амалга оширалаётган иқтисодий ислохатларнинг дастлабки яқунлари билан бир каторда уларни чуқурлаштиришнинг муҳим омиллари ҳам юзага чиқмоқда. Булар каторига илохатларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва технологик омиллари киради.

Мукобил машина трактор паркларининг ҳуқуқий асослари деганда агротехсервис тизимидаги бу янги хужалик субъектини ташкил этишда ва фаолият турини белгилаб беришда мавжуд қонунлар, ҳқумат қарорлари ва бошқа бир катор, меёрий хужжаларни тушуниш лозим.

Ташкилий асосларга эса республикаимиз ички имқониятлариничуқур таҳлил қилган ҳолда бундай турдаги ММТП ларнинг қандай ва қайси мулк шакли асосида тузиш, уларнинг моддий теника базасини шақиллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда бошқа бир катор ташкилий масалалр ҳам киради.

Бугуниги кунда бу турдаги машина трактор паркларини тузи шва уларни муваффақиятли фаолият юритш учун зарур ҳуқуқий база мавжуд, жумладан барча мулк шаклидаги мукобил машина трактор паркларини ривожлантириш максатида бир катор қарор ва қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 106-сонли “Мукобил машина трактор паркларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг хизматларини қенгайтириш чора тадбирлар тугрисида”ги қарори ва “1998-2000 йиллардаги даврда кишлоқ хужалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш” дастури техник сервис хизмат курсатиш соҳасини ислох қилишда ҳуқуқий базис сифатида намоён бўлди, ММТП ларни яққаҳоқимлик қайфиятидан чиқариш, уларнинг самарали ишлашини изчил йулга қуйиш, шунингдек, хизмат курсатиш соҳасида рақобат муҳитини вужудга келтириш максатида ҳар бир туманда

нодавлат мулки шаклидаги техника сервис корхоналарини тузиш зарур эканлигини курсатиб утилган.

Ширкат хужаликлари устахоналари негизда (МТП лари) мукобиллик асосида ташкил этиладиган машина-трактор парклар кишлок ишлаб ишлаб чиқариш инфротузилмаларининг янги субъекти сифатида мулкчилик шакилларида катъий назар кишлок хужалик корхоналари, фермер ва дехкон хужаликлари, шунингдек, бошка юридик шахслар ва аҳолига техник сервис хизмат курсатади. Мукобил машина-трактор парки уз тасарруфидаги ҳамда унинг хизматидан фойдаланувчи узга субъектлар техника ва бошка асосий воситалари базасида кафолатли сервис хизматини ташкил қилади ва қуйидаги афзалликларга эга:

- бошка турдош машина-трактор парклари билан биргаликда техник сервис хизмати курсатиш соҳасида рақобатни вужудга келтиради;

- буларни ташкил этишда бино ва иншоотлар уқриш заруриятининг йуқлиги ҳисобига капитал маблағларнинг тежалиши имқонияти тугилади;

- сервис хизмати тизими бевосита ширкат тарқибидидаги машина-трактор парклари фаолиятига асосланганлиги, шунингдек сервис хизматидан фойдаланувчи бошка хужалик субъектлар мутахасислари ва механизаторларидан ташкил тоғанлиги ва қушимча бошқарув аппаратиға эҳтиёж булмағанлиги ҳисобига хизмат курсатувчиларнинг умумий сонини қамайтириш имқонини беради;

- сервис хизмат курсатиш билан бир қаторда мавжуд илғор тажрибаларни сервис хизматидан фойдаланувчи хужаликларға жорий қилиш имқонини яратади;

- парк хизматидан фойдаланувчи бошка хужаликлардаги мавжуд техника воситаларидан йил мобайнида тулик ва самарали фойдаланиш учун имқониятлар яратилади;

- машина-трактор парки сервис хизматидан фойдаланганлиги учун хизмат нархи тарифларининг ошиб кетишиға йул қуймайди ва тарифларнинг узаро қелишувига асосан манфатли даражада белгиланади;

- мукобил машина-трактор парклари фаолияти натижасида курилган фойда, бевосита парк моддий-техника базасини, шунинг билан бирга ширкат молиявий ахволини мустахкамлашга хизмат килади;

- хтзмат курсати нархларининг нисбатан арзонлиги хизматлардан фойдаланувчи субъектлар (дехко, фермер) сонинг ортишига олиб келади;

- эхтиёт қисм, ёнилги мойлаш материаллари ва бока саноат маҳсулотларини олиб келиб таъминлаш ҳисобига фаолият куриш имконияти яратилади;

- техника воситалари ва этиёт қисмларни бевосита ишлаб чиқарувчи заводлардан сотиб олиш ҳамда воситачи ташкилотларга туланадиган туловлар миқдорини қисқариши ҳисобига уларнинг нархларини арзонлаштиришга эришилади;

- парк хизматларидан фойдаланувчи бошқа ҳужалик субъектларининг маблағларини улар билан келишув асосида бирлаштириш ҳамда банкдан узок муддатли кредит олиш ҳисобига паркиннг моддий-техника базасини мунтазам равишда янгилаб бориш имкони яратилади;

- бозор муносабатларига мос келувчи бошқа қулай иқтисодий ва ташкилий шароитларни яратишга кенг имкониятлар беради.

Битирув малакавий ишимизни чуқурроқ урганиш мақсадида монографик тадқиқот олиб бордик ва у қуйидаги қуринишга эга:

ММТП ни қискача характеристикаси.

Тулик расмий номи: МЧЖ “ШАЛОЛА-АГРОМАШСЕРВИС” агрофирма.

Қисқартирилган номи: “ШАЛОЛА-АГРОМАШСЕРВИС” МТП.

Юқори ташкилоти: Таъсисчиларни умумий йигилиши.

Асосий фаолияти: Механизация ёрдамида ишлов бериш, ишларни бажариш, техникаларни таъмирлаш.

Руйхатдан утқазган ташкилот номи: Қибрай туман ҳокимлиги.

ММТП ни руйхатдан утқазган санаси : 2007 йил.

Ташкилий ҳуқуқий малқчилик шакли: Мукобил машина-трактор парки.

Банк реквизитлари: х/р 20210000404586364001 “Ўзбекистон-Германия Савдогарбанк”нинг Қибрай бўлимида, МФО 00410, СТИР 300264652. ОКОНХ 22400.

Почта ва юридик манзили: Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Май к.ф.й.

ММТП ни назорат килувчи солик инспекцияси: Кибрай тумани солик инспекцияси.

Умумий майдони: 2.0 гектар.

Ишловчилар сони: 29 нафар шу жумладан бошқарув аппарати 6 нафар.

ММТП худудида 22 та фермер хужалик иш олиб бормокда.

Уларнинг умумий ер майдони 1106.1 Га.ни ташкил этади.

ММТП ни ташкилий структураси.

1. Юкори бошқарув органи-таъсисчилар умумий йигилиши.
2. Ижро этувчи органи-бошқарув органи.
3. Назорат килувчи органи-тафтиш комиссияси.

“ШАЛОЛА-АГРОМАШСЕРВИС” ММТП нинг низом жамгармаси 135 070 000 сум килиб таъсисчилар томонидан белгиланган.

ММТП худудида куйидагилар жойлашган:

1. Маъмурий бино.
2. Таъмирлаш устахонаси.
3. Кишлоқ хужалиги техникаларини саклаш майдончалари ва бостирмалар.
4. Коровул хона

ММТП нинг асосий вазифасига:

- механизация ишларини бажариш;
- транспорт хизматларини курсатиш;
- янгиликларни жорий килиш;
- техника воситаларини ишлатиш, шунингдек механизатор ва инженер-техник ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш буйича укув курсларини ташкил этиш;
- техника воситаларини ва этиёт қисмлар савдоси ва таъминоти қиради.

2009 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар.

2009 йилда ММТП ни молиявий ахволини мустахкамлаш мақсадида куйидагилар қилинган:

- ММТП ни пул маблағларини тасдиқланган харажатлар белгиланган бандлар буйича фойдаланишни назорат қилиш, олинган фойдадан мақсадли

фойдаланиб, кейинчалик уни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йуналтирган;

- фойдаланмаётган ер майдонларини, омборларни қисқартириш ҳисобига ер солигини тулушни камайтириш;

- ММТП га қарашли ижтимоий инфратузилма объектларини ижарага бериш ҳисобига улардан харажатларни (амортизация ажратмалари, буткул таъмирлаш) камайтирилган;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва маркетинг хизматларини ривожлантирган.

2010 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси.

ММТП балансидаги иморат ва иншоатларни жорий таъмирлаш, зарурини капитал таъмирлаш, ММТП ҳудудини ободонлаштириш.

Молиявий харажатларни камайтириш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш:

- фойдаланилмаётган майдонларни, иншоатларни ижарага беришни такомиллаштириш;

- ҳисобатдаги эскирган ва тиклашда иқтисодий самара бермайдиган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш;

- Кучмас мулк кадастрини ишлаб чиқиш;

- механизация хизматлари турларини қупайтириш мақсадида қишлоқ хужалик техникаларини ва машиналарини харид қилиш, шу жумладан молиявий лизинг асосида маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи янги дасгоҳларни сотиб олиш;

- бушаган цехларда ёрдамчи цехларни (вулканизация, электр жихозларини таъмирлаш, аккумулятор ва х.к.) ташкил этиш.

ММТП нинг механизация ёрдамида курсатиладиган ва таъмирлаш ишларига қишлоқ хужалик ММТП лари томонидан талаб қата. 2009 йилда ММТП томонидан қишлоқ хужалик ММТП ларига бажарилган барча ишлар (хизматлар) ҳажми 104 772 минг сумни ташкил этган.

ММТП да қишлоқ хужалиги техникалари, ишлаб чиқариш дасгоҳлари ва асбоб-ускуналари мавжуд.

«Шалола-агромашсервис» ММТПнинг кишлок хужалик

техникаларининг сони тугрисида маълумот

(2010 йил ҳолатига кура)

т/р	Автотехника русуми	сони	Йшлаб чиқарил ган йили	Давлат рақами	Соз	Носоз
1.	ТИКО	1	1998 йил	11 AD 180	Соз	
2.	ДАМАС	1	1998 йил	11 AD 179	Соз	
3.	ГАЗ-31	1	1995 йил	11 AF 031	Соз	
4.	МТЗ-80	1	1995 йил	17-75 ЕК	Соз	
5.	МТЗ-82	1	1987 йил	2558 ЕК	Соз	
6.	МТЗ-82	1	1987 йил	Б/н	Соз	
7.	ТТЗ-100	1	2001 йил	07-52 ЕК	Соз	
8.	Т-28х4	1	1996 йил	25 -59 ЕК	Соз	
9.	Т-28х4	1	1986 йил	25-60 ЕК	Соз	
10.	Т-28х4	1	1988 йил	25-61 ЕР	Соз	
11.	Т-4А	1	1989 йил	Б/н	Соз	
12.	ДТ-75	1	1994 йил	Б/н		Носоз
13.	БТ-150	1	2005 йил	35-63 ЕД	Соз	
14.	Прицеплар	3	1998-2001	Б/н	2 соз	1 носоз
15.	КЛААС доминатор	1	2007 йил	27-39 ЕР	Соз	
16.	Плуг ПЛН 4,35	1	1993 йил	Б/н	Соз	
17.	Плуг ПН442-1	1	1999 йил	Б/н	Соз	
18.	Сеялка СПЧ 6	1	1989 йил	Б/н	Соз	
19.	Сеялка СТЗ 3,6	1	1991 йил	Б/н	Соз	
20.	Култив .Циркон	1	1999 йил	Б/н	Соз	
21.	Култиватор	2	1998 йил	Б/н	Соз	
22.	Жатка .кукурузная	1	1999 йил	Б/н	Соз	
23.	Чизел	2	1999 йил	Б/н	Соз	
24.	Диск барана	1	1999 йил	Б/н	Соз	
25.	Барана зубовий	16	1992 йил	Б/н	Соз	
26.	Канавакопатель	1	1992 йил	Б/н	Соз	
27.	НРУ	1	1988 йил	Б/н	Соз	
	Жами:	46				

Бозор ва ракобат.

Сохани истикболини ривожлатиришни тарифлаш. Бозор шарт-шароитидан келиб чиккан холда кишлок хужалик МТП ларига агротеника талабларига мос равишда хизмат курсатиш оркали соғлом ракобат мухитини яратиб, туманда фермер хужаликларига хизмат курсатувчи ташкилотлар билан ракобатлаша олиши мумкин.

ММТП кишлок хужалик ММТП лари учун механизация ёрдамида бажариладиган ишларни уз вақтида ва сифатли бажариб бериш оқибатида бозор муносабатларига мослаша олиши мумкин.

Фермер хужаликларига кушимча янги и шва хизмат турларини жорий этиш, барча ишларни бажариш учун янги ахборот-илмий натижаларига асосланиб, бунинг оқибатида курсатиладиган хизматлар сифатини ва харажатларини камайтиришга эришиш.

№	Курсаткичлар номи	Улчов бирлиги	2010 йил режа
1	Жами иш, хизмат сотиш тушуми	Минг сум	104 772
2	Таннарх	Минг сум	80 000
3	Давр харажатлари	Минг сум	8918
4	Соф фойда	Минг сум	15854
5	Рентабеллик	Фоиз	20
6	Ишловчилар сони	Нафар	29

**«ШАЈЛОЛА-АГРОМАШСЕРВИС» ММТП нинг кишлок хужалигида барадиган ишлари ва курсатадиган
хизматлар хажми (2010 йил учун)**

Т/Р	Қилинадиган ишлар номи	Улчов бирлиги	Сони	Нарх. сум	Суммаси, минг сум
1	Механизациялашган ишлар				
2	Ер хайдаш	Га	600	29000	17400
3	Ер тайёрлаш	Га	600	14000	8400
4	Эгат олиш	Га	600	15000	9000
5	Ук арик очиш	п/км	600	4000	2400
6	Култивация	Га	100	13000	1300
7	Галла экиш	Га	493	4000	1972
8	Галлага эгат олиш	Га	493	15000	7395
9	Галла угитлаш	Га	493	4000	1972
10	Галла уриш	Га	493	60716	29933
11	Юк ташиш	тн/км	10000	2500	25000
	ЖАМИ:				104772

Юкори бошқарув органи булиб жамият аъзоларининг умумий йигилиши хисобланади. Умумий йигилишлар орасидаги даврда жамиятнинг раҳбарлигини олиб бориш учун бошқарув органи сайланади. Бошқарув аъзоларининг сони умумий йигилиш томонидан белгиланади. Жамият бошқарувчиси бир вақтнинг узида жамият бошқару раиси булиб хисобланади. Муқобил МТП директори корхона фаолиятини бошқаришда тегишли қарор қабул қилади ва умумий йигилиш қарорларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради. Корхонанинг ишлаб чиқариш, молиявий, таъминот ва бошқа фаолиятларига раҳбарлик қилади.

Муқобил машина-трактор паркларининг фаолияти натижасида қурилган фойда (зарар) жамият томонидан тақсимланади (қопланади). Корхона фаолияти жамият молия-ҳисоб маркази томонидан назорат қилинади ва умумий йигилиши томонидан тайинланган тафтиш комиссияси томонидан таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқарилади. Бугунги кунда аксирия муқобил МТП лар фаолияти юқорида баён этилган схема асосида ташкил қилинмоқда. Бироқ бу тузилманинг ташкил этувчилари: тафтиш комиссиясининг мавжудлиги, хизмат қурсатиш гуруҳларининг бу қаби табақаланиши, эски тузилмани такрорлаб, ишни ҳам эски усулда ташкил этилишига сабаб бўлмоқда, бу эса бозор иқтисодиёти қонунларига зиддир.

Шу нуқтаи назардан бозор иқтисодиёти талабларини эътиборга олган ҳолда муқобил МТП ларини ташкилий-бошқариш тузилмасини бозор субъектлари билан узаро иқтисодий ва ҳужалиқ муносабатлари механизмини такомиллаштириш талаб этилади, бунинг учун эса етарлича ташкилий ва ҳуқуқий замин мавжуд.

2.2.Мукобил машина-трактор парклари томонидан фермер хужаликларига хизмат курсатиш даражаси.

Маълумки, иктисоди механизм хужалик юритиш механизмининг энг мухим таркибий кисмидир.

Иктисодий механизм – ишлаб чикариш самарадорлиги иш сифатини оширишда асосий роль уйнайди.


Мукобил МТП лар фаолият юритшнинг иктисодий механизми ички ва ташки омиллардан ташкил топади.

Мукобил МТП ларнинг ички иктисодий муносабатлари таркибий булинмалар, яъни ишчи-хизматчилар, таъсисчи ва хиссадорлар уртасидаги муносабатларни уз ичига олади. Уларни мос равишда ишлаб чикариш иктисоди, меҳнатга ҳақ тулаш, уларни рағбатлантириш ва ижтимоий туловлар, маблағ билан таъминланган таъсисчилар ва хиссадорлар даромадлари юзасидан вужудга келган муносабатлар йигиндиси дейиш мумкин.

Ташки иктисодий муносабатлар тизими: буюртмачи (кишлоқ хужалиқ товар ишлаб чикарувчилари, техника воситалари, эҳтиёт кисмлар ишлаб чикарувчи ҳамда ёкилги-мойлаш материаллари етказиб берувчилар ва бошқа турдаги корхоналар) таъминотчилар, хизмат курсатувчилар ва маркетинг тизими билан кишлоқ хужалиги маҳсулотларни сотиб олиш ва сотиш юзасидан иктисодий муносабатлар, молиявий тизим билан муносабатлар (республика маҳалий бюджетлар, банклар, молия органлари) ва х.к.

Мукобил МТП ларнинг иктисодий муносабатлари тизимини тахлили, уларин асосий белгилари буйича синфлаштириш имконини беради.

Муқобил машина – трактор парклари фаолиятига доир иқтисодий муносабатлар схемаси



2.3. Муқобил машина-трактор паркларининг узаро иқтисодий муносабатлари.

Турли вилоятларда, шу жумладан Тошкент вилоятида ҳам утказилган тадқиқотлар натижаси, муқобил машин-трактор паркларини ташкил этишдан утказилган мақсад амалиётда уз ифодасини топмоқда деб хулоса чиқариш имкониятини берди. Тошкент вилоятида муқобил ва ДАЖ МТП лари томонидан турли хужалик юритувчи субъектларга меҳаназация ва бошка турдаги техник сервис хизмат курсатиш ҳолатини таҳлил қилиш натижасида муқобил МТП лари томонидан дехкон ва фермер хужалиқларига техник хизмат курсатиш салмогини ортиб бориши кузатилади.

Хулоса қилганда муқобил МТП ларнинг тузилиши ва ривожланиши, дехкон ва фермер хужалиқларини техник сервис хизматларига булган талабини қондиришда, бу тузилмаларни муваффақиятли фаолият юритишига бевосита таъсир курсатмоқда.

Муқобил МТП ларни тузилиши дехкон ва фермер хужалиқларига танлаш имконини берди, МТПларнинг булар олдидаги жавобгарлигини оширди. Муқобил МТП ларнинг ушбу хужалиқларга масофа жихатдан яқинлиги, хизмат баҳоларини ДАЖ МТП ларига нисбатан пастлаги ва кичик ер майдоларига етарли даражада меҳаназация ишдарини бажариш имкони мавжудлиги сабабли хизмат курсатиш таркибида дехкое ва фермер хужалиқларига хизматкурсатиш салмоги юкори булмоқда.

Айниқса, йирик ширкат хужалиқлари устахоналари негизида ташкил этиладиган муқобил МТП лари химатидан фойдаланадиган дехуон ва фермер хужалиқлари учун қулайдир, унки:

- биринчидан, бу турдагаи МТП лар дехкон ва фермер хужалиқларига масофа жихатдан яқинлиги;
- иккинчидан, ер улчамларидан қатъий назар бирдек сифатли хизмат курсатиш имкони мавжудлиги;

- учинчидан, ширкатнинг узи ҳам кишлок хужалик товaрини ишлаб чиқарувчи си булганлиги учун хизмат тарифлари оптимал белгиланади;

- туртинчидан, ширкатда тупланган илгор тажрибалар дехкон ва фермер хужаликлари фаолиятида ҳам кулланилиши мумкин ва хакзо.

Бу турдаги мукобил машина-трактор парклари кишлокда дехкон ва фермер хужалакларига механизация ишларини бажариш блан бирга, уларга техникани ижарага беришни ҳам йулга куйиши лозим.

Техникани ижарага беришда шартнома тузиб, узок муддатли ва киска муддатли ижара шакилларидан фойдаланиш зарур. Бунда теника дехкон ва фермер хужаликларига вақтинча фойдаланишга берилиб (механизатосиз), ижара мддати давомида теникага хизмат курсатиш, агар шартномада бошкача тартибда кузда тутилмаса, мукобил МТП зиммасига юклатилади. Ижарага барилаётган теника амортизация ажратмалари ва ижарага берувчининг уртача рентабеллик меъёри хисобга олиними лозим. Техникаларни узлуксиз ва соз ишлашини назорат кили шва таминлаш максадида мукобил МТП лари Кучма диагностика ва таъмирлаш-техник хизмат курсатиш ишларини ташкили килиши лозим, бу хизматлар учун хак ҳам шартномани тузиш даврида келишиб олинади.

Мукобил МТП ларни буюртмачилар Билан узаро иктисодий муносабатлари икки томолама фойдалилик асосида курилиши лозим, бунинг асосий шarti эса мукобил МТП ларни хужаликларнинг пировард натижасидан манфаатдорлигини оширишдир.

Маълумки, бугунги кунда дехкон ва фермер хужаликлари товар махсулотини етиштириш билан бирга уни реализация килишда ҳам биркатор кийинчиликларга дуч келмокда, яъни махсулотни саклаш, сотиш жойларига олиб бори шва бошкалар.

Шуни хисобга олиб, дехкон ва фермер хужаликларига кулайлик яратиш максадида, улар етиштираётган махсулотларни мукобил МТП лар томонидан сотиб олиними (бозор бохоларига якин анрхларда) йулга куйилиши лозим, бу дехкон ва фермер хужаликларини товар махсулотини

сотиш муоммасини кisman хпал этса, мкобил МТП лари эса бу махсулотларни кайта ишлаб фойда олиш имконин беради. Бунинг учун эса мкобил МТП лари кошида махсулотни кайта ишловчи саноат корхоналарини, тайёр махсулотларни сотиш билан шгулланувчи савдо шахобчаларини ташкил этиш лозим.

Бу тадбир икки томон учун хам фойдали булиши билан бирга ахолини озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш даражасини оширишда хам мухим урин тутади.

Ш.Боб. Мукобил машина-трактор парклар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

3.1. Мукобил машина-трактор парклари фаолиятининг ташкилий иктисодий механизмларини такомиллаштириш.

Республикамиз аграр секторида олиб борилаётган иктисодий ислохатларнинг асосий максадларидан бири бу мустакил фаолият юритувчи бозор субъектларини шакиллантириш ва самарали фаолият курсатиш учун мустахкам хукукий, иктисодий шароит яратишдир.

Аграр сохада иктисодий ислохатларни чуқрлаштириш, давлат мулки монополиясига бархам бериш, хакикий ер эгаларининг, яъни мустакил хужалик юритувчи субъектлар (ширкат, дехкон ва фермер хужаликлари) сониниг ортиши, улрга хизмат курсатувчи бозор инфротузилмасини, хусусан турли хил сервис хизматлари (техник сервис, агрокимё, зооветеринария, банк, консалтинг ва х.к.) курсатувчи корхоналарни ташкил эти шва ривожлантиршни талаб этмоқда.

Кишлок хужалик самарадорлигини оширишда мухим омил булган техник сервис хизматлари тизмини ривожлантириш бгунги кундамухим ахамият касб этмоқда, шунинг учун хозирги утиш даврида, моддий-техника ресурслари такчиллиги, улар нархларининг йил сайин ошиб бориши, уртача бир хужаликка тугрикелувчи кишлок хужалик экин майдонларининг

кискариб бориши шароитида ташкил этилаётган турли мулк шаклидаги МТП ларнинг асосий вазифаси ҳам корхонада мужассамлашган техника воситаларидан самарали фойдаланиш, теник хизмат таннархини арзонлаштириш, шу билан бирга бажарилаётган ишлар сифатини яхшилашга эришишдир.

Бирок ьозор иктисодиёти шароитида бундай корхоналарда ишни ташкил этиш борасидаги тажрибанинг етарли эмаслиги, булурни ривожланишига салбий таъсир курсатмоқда ва ишни эскича ёндашув асосида ташкил этилишига сабаб булмоқда.


Мукобил МТП лари фаолиятининг тахлили юкоридаги фикрларимизни далилидир. Бинобарин тахлил этилган Кибрай тумани мукобил МТП ларида ишни ташкил этиш усули режали иктисодиёт давридаги фаолият юритиш шаклига ухшашлиги аникланди.

Мукобил машина-трактор паркларининг ташкилий асосларини такомиллаштириш.

Тадкикотлар натижасида мукобил машина-тарктор паркларининг ташкилий-бошқарув тузилмасининг таркибий қисмлари, яъни тафтиш комиссиясининг мавжудлиги, ишчи гурухларнинг бу каби табақаланиши эски тузилмани такрорлаб ишни ҳам эскича усулда ташкил этилишига сабаб булмоқда.

Бу борада олиб борилган монографик тадкикотлар ва булар натижасида келиб чиккан хулосалар мукобил МТП ларни ташкилий-бошқариш тузилмасининг наъмунавий схемасини ишлаб чиқиш имконини берди.

Муқобил машина-трактор паркларини ташкилий-бошқарув тузилмасининг тавсия қилинаётган схемаси.



Мукобил МТП бозор иктисодиёти конунларидан келиб чиккан холда тузумиши керак:

Агар мукобил МТП шахсий булса юкорида келтирилган схемада тузулиши ва фаолият курсатиши махсадга мувофик булади. МТП раиси ва ухта хизмат турлари тизими булиши кифоя.

- маркетинг, талабнома ва реклама хизмати, истеъмолчилар талабини урганиш шу асосда сервис хизмати турлари, уларни амалга ошириш учун керак буладиган техника воситалари тизимини белгилаш, хизмат микдорини ва унинг нархини аниклаш билан шугулланади. Шунингдек, истеъмолчилар ва бошка кишлок хужалик корхоналари орасида МТП томонидан бажарилиши мумкин булган сервис хизмат турларини реклама килиш билан ҳамда керакли техника воситаларини, этиёт қисмлар, ёнилги мойлаш материалларини сотиб олиш жойлари ва нархлари билан шугулланади.


Хар қандай янги тузилаётган мукобил МТП уз фаолиятини шу бугиндан бошлаши зарур, чунки МТП тузишдан аввал қимга хизмат курсатиш, хизматга булган талабни, хизмат турларини аниқ белгилаб олиши ҳамда шу хизмат турларини, микдорини бажариш учун қандай турдаги техника воситалари ва қанча кераклаги аниқ билиши керак.

- молия-хисоб хизмати, маркетинг хизмати тупланган барча талаблар ва ш у талабларни бажариш учун керак буладиган техника воситаларини баҳосини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Чунки техника турлари ва сони талабга қараб олиниши керак булади, сунгра талаб даражасидаги сервис хизматни бажарилишдан келадиган мабдаг МТП ни нормал фаолият юритиши учун етарлими, етарли булмаса хизмат нархини қанчага ошириш мумкин, шу боҳода истеъмолчилар МТП хизматидан фойдаланишга рози буладими, деган саволларга жавоб бериши керак. Шунингдек, молия-хисоб хизмати банкда уз ҳисоб рақамини очиши, истеъмолчиларни тулов қобиятларини урганиши ва МТП дастлабки фаолиятини бошлаши учун керак булган мабдаг манбаини ҳам аниклаши зарур.

- ишлаб чиқариш хизмати эса мавжуд техника билан истеъмолчиларни талабномалари асосида иш хажмини бажаришлари керак. Шунингдек техника воситаларини доимо ишга шай булиб туриши ва талаб килинган иш миқдорини киска муддатда бажариб бериши зарур, бу нихоятда мухим масала, агротеник тадбир уз вақтида, сифатли килиб бажарилиши, истеъмолчилар орасида ишончни пайдо булишига олиб келади. Бу эса навбатида кафолатланган иш билан таъминланиш омили булади. МТП таркибида бу тизимни майда гурухлага булиш (жумладан, марказий устахона, автосарой, таъминот саклаш, хайдов, чопик тракторлари гурухи ва хоказо) нотугри булади. Бундай килиш орткча бюрократик холатни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш хизматида ишлаётган хар бир мухандис, таъмирловчи ёки механизатор буладими у бир неча турдаги ишларни бажаришга, бир неча турдаги техникада ишлашин билиш керак.

Мукобил МТП фермерлар маблагларин жамлаш йули билан тузилганлиг сабабли ушбу тизимдан фойдаланиши мумкин, факат тизиминиг юкорисига фермерлар кенгаши ёки ширкат бошқаруви куйилиши мумкин.

**Фермер хўжаликлари таъсисчилари бўлган муқобил
машина-трактор парklarини ташкилий-бошқарув тузил-
масининг тавсия қилинаётган схемаси**



3.2. Мукобил машина-трактор парклари ва фермер хужаликлари уртасида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш.

Кишлокда иктисодий ислохатларнинг жадал суръатлар билан амалга оширилиши, мулкдорлар синфининг шакилланиши, хужалик юритиш шакиллариинг купайиши шароитида кишлок хужалик ишлаб чиқаришнинг мухим омили булган техника техника таъминотига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда мамлакат аграр соҳаси ишлаб чиқариш салоҳиятининг асосини ташкил этувчи, асосий кишлок хужалиги фодлари деярли янгиламаётир, айниқса техника воситаларининг ҳар йили уртача 10% миқдорда уз хизмат муддатининг ураб туриш натижасида, хужаликларнинг техника билан таъминланганлик даражасига салбий таъсир қурсатмоқда. Хужаликлардаги мавжуд техника воситаларининг 70-80% уз хизмат муддатини утаб булгандир.

Бу ҳол янги ташкил этилаётган мукобил МТП ларида янада яққолроқ намоён булмоқда. Аксарият мукобил МТП ларнинг тулалигача шакилланмай туриб тугатилишининг сабабларидан бири шудир. Бундан ташқари қуйида бршқа сабаблар келтирилганки, улар ҳам мукобил МТП лар ривожланишига асосий тусик булмоқда, яъни:

- техника турларининг камлиги;
- техникани сотиб оилш учун маблағларининг етишмаслиги;
- кредит ресурсларидан ҳамда техникани лизинга сотиб оилшда давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмаслиги;
- техника сотиб оилшда таъминотчилар томонидан қуйилаётган талабларнинг қатъийлиги ва бошқалар.

Муқобил МТП ларнинг техника ишлаб чиқарувчи заводлар билан алоқасининг оптимизацион модел схемаси.



Курсатилган хизматлар учун уз вақтида пулларнинг келиб тушмаслигини ва юкоридадаги муаммолар ечимини топиш мақсадида биз куйидагиларни таклиф этамиз:

- биринчидан, мукобил МТП лари рахбарларидан янгича услубда ишни ташкил этишини, кушимча ишлаб чикаришларини, кайта ишлаш, саноат корхоналарини тузиш, асосий фаолият эмас балки кушимча фаолият эвазига юкорирентабелликка эришиш;

- иккинчидан, давлат томонидан уларни куллаб-куватлаш, узок муддатли мақсадли кредитлар билан таъминлаш, аҳолии итеъмоли учун зарур махсулотлар етиштиришни йулга куйишни рағбатлантириш мақсадида дастлабки икки йиллик фаолияти давомидабарча турдаги соликлардан ёки маҳаллий солик турларидан озод килиш, техникани лизинга олишда кенг имкониятлар яратиш ва х.к.

Мукобил МТП ларнинг бугунги кундаги кишлок хужалиги товар ишлаб чикарувчиларини зарурий моддий-техника ресурслари билан таъминлашдаги урни ва аҳамиятини хисобга олиб, уларни техника ишлаб чикарувчи заводлар билан алоқоларини янада мустахкамлашга этибор бериши лозим. Бу борада мукобил МТП ларини республика худудидаги жойлашган техника ишлаб чикарувчи заводлар билан фьючерс битимларини тузиш ижобий натижа беради.

Бунда мукобил МТП лари техника ва эҳтиёт кисмлар ишлаб чикарувчи заводлар билан йил бошида чораклик, олти ойлик ва йиллик фьючерс битимларни тузади, бунга мувофиқ завод мукобил МТП ни келишилган муддатда зарур техника ва этиёт кисимлар билан таъминлаш вазифасини бажаради, шартонома муддати давомида этиёт кисим ва техника МТП Ларга еткаиз берилади, бу муддат этиёт кисмлар учун уч ой, техника воситалари учун камида олти ой ёки йиллик килиб белгиланади. Шартномада сотиб олиннаётган моддий техника ресурслари умумий кийматининг 20% аванс сифатида туланиши, 80% эса белгиланган муддат давомида ёки тугаган кунга

кадар туланиши шарт, мукобил МТП мол мулки кийматидан сотиб олинаётган моддий-техника ресурслари кийматига эквивалент булган миқдори қарз қаролати бўлиб хизмат қилади. Бунда пулнинг қарсизланиш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Хулоса.

Бозор иктисодиёти шароитида шартномалар, кишлок хужалигида фаолият курсатаётган фермер хужаликлари билан тайёрловчилар уртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат булибгина қолмай, шу билан бирга, кишлок хужалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий омили ҳисобланади.

Кишлок хужалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни техника воситалари билан таъминлаш, мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш масаласи долзарб вазифа сифатида янгича ёндашишни талаб қилади. Бир томондан, техника воситаларининг нархлари юқори бўлиши ҳисобига ҳар бир маҳсулот етиштирувчи субъект уни сотиб олиш имкониятига эга бўлмаса, иккинчи томондан, техника воситаси бор субъектлар ҳам уз хужалигида механизмлар билан бажарилиши мумкин бўлган ниш ҳажмининг қамлиги ҳисобига техникадан самарали фойдалана олмайдилар.

Ҳозирги вақтда бу борадаги энг асосий вазифа-техник сервис қорхоналари фаолиятини кишлок хужалиги ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан узвий боғловчи механизмни яратишдан иборат. Бунинг учун иккита муҳим масалага эътиборни қартиш лозим.

Шартномада курсатилган шартларни бажариш ҳар икала томон учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Лекин, амалиётда шартнома шартларига, унда курсатилган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига иккала томонда ҳам тулик риоя қилмаслик ҳоллари учраб турибди.

Бизнинг фикримизча, истеъмолчилар ва хизмат курсатувчилар уртасидаги муносабатлар механизмнинг муҳим ва ажрлмас қисми бўлган шартномаларин тузиш ва такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор беритиш лозим:

- хизмат баҳолари ва истеъмочи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши ва шартномага турли хил хизмат таърифлари илова қилиниши;

- ММТП ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш ажратмалари миқдорини, хужаликлар фаолиятининг пировард молиявий натижаларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

- шунингдек, шартномаларда белгиланадиган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қушимчалар киритиш;

- бажариладиган иш миқдори, қиймат ва муддатлари аниқ белгиланиши;

- белгиланган вақтда иш бажирлмаслиги оқибатида хужалик зарар курса (ҳосилни йукотса, унинг сифати бузилса ва х. к.) келтирилган зарар МТП ҳисобидан қопланилиши;

- агар ишни бажариш давомида техника воситаларининг туриб қолиши рўй берса ва бунда буюртмачилар айибдор бўлса келтирилган зарар (туриб қолган вақт мобайнида бажарилиши мумкин бўлган ниш ҳажми қиймати) МТПга тулаб берилиши;

- шартномаларда иш турлари алоҳида қисимларга ажратилиб, ҳар бир иш турини узига ҳос ҳусусияти ва бунда томонларнинг манфаатлари аниқроқ ифода этилиши, бундан ташқари галлани уриб-йигиб олиш, пахтани териб бериш учун хизмат баҳоларини гектар ҳисобида белгилаш ва х.к.

Агар бу тақлифлар шартномалар таркибига кирса, у ҳолда МТПларнинг истеъмолчилар олдидаги, шунингдек истеъмолчиларнинг МТПлар олдидаги жавобгарлиги ошади.

Буюртмачи ва бажарувчи уртасидаги узаро иқтисодий муносабатлар механизмини мувофиқлаштирувчи асосий омил, хизмат баҳоларини белгилаш кишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришининг пировард натижаси билан узвий боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, бизнинг фикримизча қуйидаги иқтисодий механизмларни ҳам амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир:

- банк муассасалари билан узаро иқтисодий муносабатларни тенг ҳуқуқли асосда ташкил этиш;

- муқобил МТП ларни киска ва узок муддатли имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ва уларни кайтариш муддатларини хизмат муддатларига боғлаш;

- лизинга техникани сотиб олишда муқобил МТП ларни ҳуқуқларни тенглигини таъминлаш;

- маҳсулот етиштириш учун бериладиган аванс маблағларини таксимлашни курсатилган хизматлар ҳажмига тугри муносаиб равишда амалга ошириш;

- барча турдаги асосий воситаларни сугурталаш ҳамда бажарилган иш ва хизматларни ҳам ихтиёрийлик асосида сугурталаш;

- муқобил МТП ларини солиқ туловларини кишлок хужалик корхоналарига курсатилган хизматлар ҳажми билан бевосита боғлаш ва бошкалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»
3. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун.
4. Ер кадастри тўғрисидаги қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 4 сентябрь 2003 йил «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларини такомиллаштириш ва мажбуриятларни бажариш учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 88-сонли қарори.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўллари. –Т.: «Ўзбекистон», 1995-йил. 17 бет.
9. Каримов И.А. «Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи». –Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: «Ўзбекистон». 2009 й.
11. Аҳмедов К., Мирзаева М. Иқтисодий математик моделлаштириш. Тошкент-2004. 108 бет
12. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодий эркинликни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. Тошкент-2007. 19-20 бетлар.
13. Вахитов . Кооперация: теория, история, практика. Москва-2006. 30 стр.

14. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Тошкент-2003. 455 бет.
15. Олимжонов О. ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари . Тошкент-2005,212 бет
16. Орипов М.А. Ўзбекистон деҳқончилигида инфратузилма хизматлари кўрсатишни ривожлантириш. «Фан» нашриёти Тошкент -2007, 192 б.
17. Салимов Б.Т., Н.И.Ўрақов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Тошкент-2004. 111 бет
18. Саматов Ғ.А. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш» дарслик, Т-2005, 507 бет
19. Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация. Учеб.пособие. издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2005, 363 ст.
20. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, Тошкент-2006
21. Умрзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Т.:-2007, «Иқтисод-молия», 224 бет.
22. Фармонов Т.Ҳ. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. Янги аср авлоди»Т.:-2004, 143 бет.
23. Шкляр М.Ф. Кредитная кооперация. Учеб. пособие, Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко». Москва-2006, 333 стр.
24. Эргашхаджаева Ш.Ж. Қишлоқ жойларида кооперацияни ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси. Тошкент-2006. 140 б.
25. Ўзбекистонда фермер хўжалигини юритиш асослари. «Voris-nashriyot Тошкент-2007, 240 бет
26. Ғофуров М. ва бошқалар. Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар.Тошкент-2001. 98 бет
27. Ҳусанов Р.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва аграр иқтисодиёт. «Янги аср авлоди»Т.:-2004, 213 бет

28. Р. Х, Хусанов, А. Н. Хамдамов, И. Э. Рафиков “Кишлок хужалигида сервис хизмати. Мкобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари”. Т.: 2001, «Янги аср авлоди», 126 бет.
29. Саматов Г.А., Худойбердиев Б.Т, ва бошқалар. Кишлок хужалигида шартномавий муносабатлар. Фермерларни малакасини ошириш учун укув кулланма. ТошДАУ нашр тахририяти булими, Тошкент, 2008.
30. Кодиров К. Хужаликлар шартномаси. “Янги аср авлоди”, Тошкент, 2003.